



ТЕХНИК ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаева Фотима
ЖДПУ

Аннотация: Мақолада терминологик тизимни юзага келтиришда қатор усуллар мавжуд эканлигини кўрсатиб берган. Бу эса инглиз терминшунослиги учун ҳам, ўзбек терминшунослиги учун ҳам бирдек муҳим саналади. Маълумки, илмий-техник терминологияга бағишланган ишларнинг деярли барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, лексик дефиницияга эга бўлган ва, асосан, номинатив функцияни бажарадиган лисоний бирликлар термин сифатида ҳисобланади деб қаралади.

Ханузгача қайси сўз туркумларини термин деб ҳисоблаш борасидаги мунозара давом этиб келмоқда.

Калит сўзлар: лексик, терминшунослик, техник, илмий-техник, илмий матн, лугат.

Техник терминологиянинг (жумладан, инглиз ва ўзбек тилларининг ҳам) масалаларини ишлаб чиқишда рус тили техник терминологиясига бағишланган махсус тадқиқотлар муҳим роль ўйнаган.

Бу борада таниқли терминшунос, терминологик тадқиқотлар ташаббускори Д.С. Лоттенинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Проф. М.В. Сергиевский унинг ишлари ҳақида шундай дейди: «Д.С. Лоттенинг тадқиқотлари рус тилшунослиги учун ҳам, рус тили техник терминологиясини тартибга солиш учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади». Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Д.С. Лоттенинг ишлари инглиз ва ўзбек тилшунослиги ва терминшунослиги учун ҳам худди ана шундай аҳамиятга эгадир. Чунки, унинг асарларида илмий-техник терминларни тартибга солиш ва термин яшаш каби энг долзарб масалалар ўз ифодасини топгандир.

Д.С. Лотте терминологик тизимни юзага келтиришда қатор усуллар мавжуд эканлигини кўрсатиб берган. Бу эса инглиз терминшунослиги учун ҳам, ўзбек терминшунослиги учун ҳам бирдек муҳим саналади. У илмий-техник терминлар яшашнинг қуйидаги усуллари кўрсатиб ўтган:

1. Техник ўхшашлик, ташқи ўхшашлик ёки ўзаро боғлиқлик асосида (маънони) кўчириш йўли билан мавжуд терминларнинг ёки умумий таомилдаги (умумий қўлланилишдаги, оборотдаги) сўзларнинг маъносини ўзгартириш, масалан, «усталость – *fatigue* – чарчаганлик», «выносливость – *endurance* – чидамлилиқ», «железное дерево – *iron tree* – темир дарахт», «сопротивление – *resistance* – қаришилиқ» каби.

2. Турли аффикс (суффикс, префикс)ларни қўллаб мавжуд сўзлардан ясама (ҳосила) сўз яшаш, масалан, рус тилида «магнит – намагничивание – магнитность»,



инглиз тилида «*magnet – magnetizing – magnetization*», ўзбек тилида «*магнит – магнитлаш – магнитлилиқ*» кабилар.

3. Мавжуд бўлган мустақил сўз ва ўзакларни (булар баъзан қисқарган бўлиши ҳам мумкин) бир-бирига қўшиш йўли билан янги қўшма (кўп ўзакли) сўз ҳосил қилиш, масалан, «*электровоз – electric locomotive – электровоз*», «*автомашина – automobile – автомашина*».

4. Бирикма терминларни ҳосил қилиш, яъни икки ёки бир нечта мустақил сўзларни мавжуд бўлган бирор синтактик шакл воситасида доимий бирикмага айлантириш, масалан, «*двигатель внутреннего сгорания – internal-combustion engine – ичдан ўт олгич двигатель*», «*полупроводниковый прибор – semiconductor instrument (appliance) – ярим ўтказгичли ускуна*» кабилар.

5. Терминологияни қайта қуриш(яратиш)да ҳамда янги термин ҳосил қилишда, биринчидан, илмий аниқлик талаблари ва, иккинчидан, қисқалиқ талабларини бир-бири билан қандай қилиб уйғунлаштириш керак деган масала ҳамиша кўтарилади. Шунинг учун ҳам, баъзан хорижий терминларни ўзлаштириш тажрибаси(иши)га мурожаат қилинади. Бунда икки хил ҳодисага амал қилинади: 1) ёзма ва оғзаки шаклдаги хорижий терминни тайёр ҳолида қабул қилиш (кўчириш); 2) хорижий терминни рус тилига (бизнинг ҳолатда ўзбек тилига) айнан таржима қилиш.

Д.С. Лотте томонидан кўрсатиб ўтилган термин ясаш усуллари инглиз ва ўзбек терминшунослигида ҳамда илмий-техник терминларни таржима қилишда ўзининг амалий татбиқини топмоқда. Қайд этиш керакки, унинг «Илмий-техник терминологияни барпо этишнинг асослари», «Илмий-техник терминларнинг қисқа формалари», «Уч элементдан иборат илмий-техник терминларни ясаш ва уларнинг имлоси» номлари билан эълон қилинган асарлари тўпламлари нафақат рус тилининг, балки бошқа тиллар терминологиясининг назарий масалаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда миллий терминологияни вужудга келтиришда ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Маълумки, илмий-техник терминологияга бағишланган ишларнинг деярли барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, лексик дефиницияга эга бўлган ва, асосан, номинатив функцияни бажарадиган лисоний бирликлар термин сифатида ҳисобланади деб қаралади.

Ханузгача қайси сўз туркумларини термин деб ҳисоблаш борасидаги мунозара давом этиб келмоқда.

Д.С. Лотте ўзининг ишларидан бирида қандай категориядаги сўзларнинг терминлашиши мумкинлиги ҳақида шундай деб ёзади: «...фан ва техникада қуйидаги тушунчаларни англатувчи асосий категориялар терминлашади: *жараёнлар; техника предметлари (материаллар, қуроллар, асбоблар, деталлар ва ҳ.к.); хоссалар; ҳисобий тушунчалар (параметрлар, геометрик образлар ва ҳ.к.); ўлчов бирликлари*».

Таниқли терминшунос Г.О. Винокур ўзининг асарларидан бирида шундай деб ёзади: «Муайян илмий-техник тушунчаларни ифодаловчи сўзлар терминологик функцияни бажаришига қараб, албатта, абстракт ном (от) шаклини олади». У фикрини



давом эттириб яна шундай дейди: «...техник терминологияда ҳаракатнинг грамматик категорияси сифатидаги феъллик мантиқий субъект ифодаловчиси бўла олмайдиган феъл шаклида эмас, балки ҳаракат маъносини сақлаб қолувчи, бироқ уни абстракт предметлилик маъноси билан бириктира оладиган мавҳум от шаклида бўлади. Масалан, *temper – тобламоқ – закалять*, *sear – куйдирмоқ – обжигать*, *etch – едирмоқ – травить* ва ш.к.б.лар шубҳасиз техник жараёнларни бажаради, лекин мазкур феъллар эмас, балки *tempering – тоблаш – закалка*, *searing – куйдириш – обжиг*, *etching – едириш – травление* каби мавҳум отларгина бу жараёнларнинг атамаси (термини) бўлиб майдонга чиқади». Мана шунга ўхшаш фикрлар бошқа олимларнинг асаларида ҳам айтиб ўтилган.

Бу фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, фақат **от** сўз туркумига кирадиган лексемаларгина терминлашиши мумкин экан. Гўё масала аниқдек, бироқ терминшунос В.П. Даниленко ўзининг бир неча мақолаларида бу қатъийлашиб қолган фикрга қарши чиқиб, бошқа сўз туркумларига оид лексемалар ҳам терминлашиши мумкин деб чиққан. Бу фикрни В.П. Даниленко қуйидагича асослашга уринган: биринчидан, илмий адабиётларда ҳар-хил сўз туркумларига оид лексик бирликлар қўлланади (тегишли мисоллар келтирилади)ки, улар терминологик маъно касб этган; иккинчидан, тилшунос Н.С. Авилова *анимализировать*, *ароматизировать*, *локализовать*, *вулканизировать*, *гармонизировать* каби феъл-терминлар, шунингдек, *вулгаризировать*, *генерализировать*, *гипнотизировать*, *догматизировать* каби умумий абстракт маъноли феъллар терминлашади деб ҳисоблайди; учинчидан, бир қанча махсус терминологик луғатларга *адекватный*, *иловатый*, *диспаратный* каби сифат-терминлар, *сольфеджировать* каби феъл-терминлар, *безвозмездно*, *adagio (секин, оҳиста)*, *grave (вазмин)* каби равиш-терминлар, *я*, *ничто*, *сам* каби олмош-терминлар киритилган. Мана шуларга асосланиб, отдан бошқа сўз туркумлари ҳам терминлар жумласига киради деб ҳисоблайди. Бизнингча, келтирилган далиллар В.П. Даниленконинг фикрини тасдиқлаб бера олмайди. Бизнинг бу фикрга эътирозимиз қуйидагичадир:

Илмий матнларда учраган ҳар қандай сўз термин бўла олмайди. Айрим луғатларда *во-первых*, *во-вторых*, *например*, *к слову*, *требуется доказать*, *аналитический* каби юзлаб сўзлар мавжуд. Табиийки, бу каби сўзлар луғатлардан чиқариб ташланиши лозим, бироқ қўлёзма муаллифлари мазкур сўзлар фан ва техникага оид дарсликларда, қўлланмаларда ҳар қадамда учрашини ҳисобга олгани ҳолда уларни илмий-техник терминлар деб ҳисоблаган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай тавсиф тўғри эмас, чунки илмий-техник адабиётларда у ёки бу лексик бирликнинг тез-тез қўлланилиши сўзга термин мақоми бермаслигини яхши биламиз. Мана шунга ўхшаган субъектив факторлар туфайли у ёки бу луғатга кириб қолган айрим *феъл*, *сифат*, *равиш*, *олмош* сўз туркумларига оид ва луғатлардан олинган учраган *модал* сўзларни ҳам термин бўла олади деб ҳисоблаш тўғри бўлармикан?!



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразование в русской технической терминологии. - Труды МИФЛИ, V том, 1939, - Б. 13-14.
2. Даниленко В.П. Терминологизация различных частей речи (термины-глаголы). «Проблемы языка науки и техники», - Б. 40-51.
3. Авилова Н.С. Слова интернационального происхождения в русском литературном языке нового времени. - М.: Наука, 1967, - Б. 160.
4. Лотте Д.С. Основа построения научно-технической терминологии. - М., Издательство АН СССР, 1961, - Б. 29.
5. Коршунов С.И., Самбунова Г.Г. Предисловие. - «Д.С. Лотте. Краткие формы научно-технических терминов». - М., Издательство: «Наука», 1971, - Б. 9.